

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ШАМАХМУДОВА АЗИЗА ФУРКАТОВНА**

**БИЛВОСИТА НУТҚИЙ АКТЛАРНИ МУЛОҚОТ МАТНИДА  
ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ЭТНОПРАГМАТИК ОМИЛЛАР  
(ИСПАН ТИЛИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 4И(Исп)  
КБК: 81.2(-6)  
Ш-19

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Шамахмудова Азиза Фуркатовна**

Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида воқелантирувчи  
этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида)..... 3

**Шамахмудова Азиза Фуркатовна**

Этнопрагматические факторы реализации косвенных речевых актов в  
дискурсе (на материале испанского языка)..... 27

**Shamakhmudova Aziza Furkatovna**

Ethnopr pragmatic factors in realization of indirect speech acts in discourse  
(on the Spanish material)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.06.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ШАМАХМУДОВА АЗИЗА ФУРКАТОВНА**

**БИЛВОСИТА НУТҚИЙ АКТЛАРНИ МУЛОҚОТ МАТНИДА  
ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ЭТНОПРАГМАТИК ОМИЛЛАР  
(ИСПАН ТИЛИ МИСОЛИДА)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil338 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафаров Шаҳриёр Сафарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жўраева Малоҳат Мухамадовна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.06.2019.Fil/Ped. 83.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.М. Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика ф.д., доцент

**А.А. Яхшиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

**Н.Қ. Турниёзов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигининг сўнги йиллардаги тараққиётида инсон ижтимоий ҳаётида нутқий фаолиятнинг тутган ўрни, унинг самарали кечишини таъминловчи воситалар таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар салмоқли ўрин эгалламоқда. Тил бирликларининг коммуникатив имкониятлари прагмалингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, матн тилшунослиги сингари йўналишларнинг асосий тадқиқ объектига айланди. Айниқса, нутқ тизимида хос ҳодисаларнинг прагматик жиҳатларини ўрганиш, мулоқот иштирокчиларининг этнопрагматик хусусиятлари уларнинг нутқий фаолиятига қай даражада таъсир этишини аниқлаш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишдаги изланишлар нутқий мулоқот доирасида инсонлар ўртасида кечадиган муносабатларнинг онтологик моҳияти ва лингвокогнитив механизмини аниқлашга имкон беради.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда мулоқот тизими доирасида юзага келадиган ҳодисаларга кенг миқёсда эътибор қаратилиб, турли коммуникатив вазиятларда фаоллашадиган нутқий ҳаракатларда намоён бўладиган омиллар тавсифи, турли мақсадларни кўзловчи нутқий актларнинг таснифий кўрсаткичларини ажратиш, прагмалингвистик таҳлилнинг назарий-методологик тамойилларини белгилаш масаласи долзарблашиб бормоқда. Прагмалингвистик таҳлил мулоқот жараёнида этносоциопрагматик ва лисоний-маданий омилларни меъёрлаштиришга хизмат қилади. Мулоқот фаолияти самараси учун аҳамиятли бўлган прагмалингвистик тамойилларни замонавий тилшуносликнинг сўнги ютуқлари асосида испан миллий маданиятида қадимдан тарғиб қилиб келинган муомала одоби қоидалари билан уйғунлаштирган ҳолда тадқиқ этиш ва бундан дунё жамоатчилигини хабардор этиш зарурати юзага келмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий тилшунослик фанида тил ва нутқ тизимларини замонавий тамойиллар татбиқида тадқиқ этиш, жаҳон фанида амалда бўлган илғор ғояларни ижодий ўзлаштириш тажрибаси шаклланди. Мамлакатимизда чет тиллар таълими бўйича халқаро дастурларнинг жорий қилиниши прагмалингвистика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилишига туртки беради. «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонда «халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-боқич ўтиш»<sup>1</sup> масаласининг кун тартибига қўйилганлиги ҳам замонавий тилшунослик соҳасини инновацион тамойил ҳамда мезонлар билан бойитиш заруратини юзага келтиради.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи, 09.10.2019. № 209 (7439).

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Прагмалингвистика соҳасида яратилган ишларда нутқий актлар муаммосига оид кўплаб қимматли фикрлар баён қилинган. Шу ўринда, Ж.Остин, Ж.Сёрль, П.Грайс, Л.Куммингс, Х.Хаверкате, В.Эскандел, Р.Фуентес, И.П.Сусов, В.В.Богданов, Г.Г. Почепцов, Ш. Сафаров, М. Ҳақимов ва бошқаларнинг ишларини алоҳида қайд этиш керак<sup>2</sup>.

Хорижий илм муассасаларида энг катта эътибор директив нутқий актларнинг таснифий белгиларини ажратиш ва функционал-семантик хусусиятларини аниқлашга қаратилиб келинмоқда<sup>3</sup>. Шу жумладан, директив

---

<sup>2</sup>Austin J.L. *Cómo hacer cosas con palabras*. – Barcelona: Edición Paidós Ibérica, S.A., 2004. – 220 p.; Searle J.P. *Expression and meaning. Studies in the theory of Speech Acts*.–Cambridge: CUP, 1979. P. 48-53;Grice H.P. *Logic and conversation // Syntax and semantics. Vol.3: Speech acts*. – New York: Academic Press, 1975. – P. 45-58; Cummings L. *Pragmatics. A Multidisciplinary Perspective*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2005. – 336 p.; Haverkate H. *Aproximaciones pragmalingüísticas al español*. – Amsterdam: Ediciones Rodopi, 1993. – 149 p.; Escandell V., María V. *Introducción a la pragmática*. – Barcelona: Ariel, 1999. – 278 p.; Fuentes R.C. *Lingüística pragmática y análisis del discurso. Serie Bibliotheca Philologica*. – Madrid: Arco Libros, 2000. – 415 p.; Gil J.M. *Introducción a las teorías lingüísticas del siglo XX*. – Buenos Aires: Ed. Melusina, 1999. – 310 p.; Сусов И.П.. *Лингвистическая прагматика*. – Вницца: «НоваКныга», 2009. – 272 с.; Богданов В.В. *Речевое общение. Прагматические и семантические аспекты*. – Л.: ЛГУ, 1990. – 88 с.; Почепцов Г.Г. *Коммуникативные аспекты семантики*. – Киев: Вища Школа, 1987. – 131 с.; Сафаров Ш. *Прагмалингвистика*. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 286 б.; Ҳақимов М. *Ўзбек прагмалингвистикаси асослари*. – Т.: Akademnashr, 2013.– 176 б.

<sup>3</sup> Любимов А.О. *Средства выражения побуждения в португальском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук*. – М., 1984. – 17 с.; Беляева Е.И. *Модальность и прагматические аспекты директивных речевых актов в современном английском языке. Автореф.дисс. ... докт.филол.наук*. – М., 1988. – 22 с.; Саранцаприл Ц. *Речевые акты побуждения, их типы и способы выражения в русском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук*. – Н. Новгород, 1997. – 21 с.; Puga J. *La atenuación en el castellano de Chile: Un enfoque pragmalingüístico*. – Valencia: Universitat de València, 1997. – 213 p.; Hernández F. N. *La cortesía en la conversación española de familiares y amigos. La búsqueda de equilibrio entre la imagen del hablante y la imagen del destinatario*. – Denmark: Aalborg Universitet, 2002. – 261 p.

нутқий актларни чоғиштирма усулда таҳлил қилиш анъанаси шаклланмоқда<sup>4</sup>.

Адресатларни ҳаракатга ундаш прагматик мўлжалига эга бўлган нутқий актларнинг испан тилида намоён бўладиган хусусиятлари ҳам, албатта, тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолмаган<sup>5</sup>. Лекин ушбу турдаги коммуникатив бирликларнинг испан маданиятига хос лисоний-маданий жиҳатлари, уларнинг воқеланишига замин яратувчи этнопрагматик омиллар каторини белгилашга оид муаммолар муҳокамаси зарурати мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Умуман, ҳаракатга ундаш прагматик вазифасини билвосита, тағмаъноли ифодалаш масаласи тилшуносликда тор кўламда ўрганилган мавзулардандир<sup>6</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот режасининг “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспектлари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** билвосита нутқий актларнинг испан мулоқот матнида воқеланишига таъсир этувчи этносоциопрагматик омилларни, хусусан, нутқ субъектларининг ёши, ижтимоий мақоми, маълумоти кабилар билан боғлиқ ҳолда тавсифлаш ва уларнинг устувор хусусиятларини белгилашдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

нутқий актлар назарияси доирасида билвосита нутқий актлар муаммосини ўрганиш, нутқий актларни таснифий гуруҳларга ажратишда таяниладиган тамойилларни белгилаш;

---

<sup>4</sup> Яковлева Г.Г. Директивный дискурс в диалогическом пространстве разных языков: строевые и функциональные аспекты описания. Автореф. дисс. ... докт.филол.наук. – Тверь, 2005. – 22 с.; Маслова А.Ю. Коммуникативно-семантическая категория побудительности и её реализация в славянских языках (на материале сербского и болгарского языков в сопоставлении с русским). Автореф.дисс. ... докт.филол. наук. – М., 2009. – 25 с.; Сейтжанов Ж. Е. Инглиз ва ўзбек тилларида ундашнинг қиёсий тадқиқи. Филол.фан.номзодлиги дисс. – Т., 2012. – 20 б.; Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашнинг ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари. Филол.фани бўйича фалсафа докт.дисс.автореф. – Т., 2018. – 22 б.; Contreras J. El uso de la cortesía y las sobreposiciones en las conversaciones. Un análisis contrastivo alemán-español. – Valencia: Universidad de Valencia, 2005. – 178 p.

<sup>5</sup>Плутцкая И.В. Социо и прагмалингвистический анализ единиц испанского речевого этикета. М., 1993. – 153 с.; Contreras J. El uso de la cortesía y las sobreposiciones en las conversaciones. Un análisis contrastivo alemán-español. – Valencia: Universidad de Valencia, 2005. – 178 p.; Hernández F. N. La cortesía en la conversación española de familiares y amigos. La búsqueda de equilibrio entre la imagen del hablante y la imagen del destinatario. – Denmark: Aalborg Universitet, 2002. – 261 p.; Santamaria G.C. La negociación del acuerdo en la conversación coloquial. Estudio contrastivo español-Inglés. Universidad Complutense de Madrid. Tesis de doctorado disponible en [www.edice.org](http://www.edice.org).

<sup>6</sup> Шишкина Т.А. Косвенные высказывания в сверхфразовом диалогическом единстве (на материале немецкого языка). Автореф. дисс. ... канд.филол.наук. – М., 1984. – 21 с.; Шевченко О.Л. Средства косвенного выражения побуждения в современном английском языке. Автореф.дисс. ... канд.филол.наук. – Киев, 1985. 24 с.; Герасимова О.Н. О типах значений косвенных высказываний // Прагматические и семантические аспекты синтаксиса. – Калинин, 1985. – С. 150-158; Поспелова А.Г. Косвенные высказывания // Спорные вопросы английской филологии.- Л.: Изд-во ЛГУ, 1988. – С. 141-153.; Волкова А.Е. Импликация семантики побудительности в составе высказываний с непрямой формой побуждения // Вестник Волгоградского у-та. 2011. №1 (13). – С. 58-64.; Blum-Kulka S. Playing it safe: The role of conventionality in indirectness. In: Blum-Kulka, House y Kasper (comps.), Cross-cultural pragmatics: Requests and apologies. – Norwood, NJ: Ablex, 2000. – P. 31-37.

мулоқот интенцияси бевосита ва билвосита ифодаланишининг лисоний ва нолисоний жиҳатларини очиб бериш;

мулоқот матнида билвосита нутқий актлардан фойдаланиш сабабларини далиллаш;

билвосита нутқий актлар воситасида кўзланган перлокутив натижага эришишга йўналтирилган тамойилларни аниқлаш;

социолингвистик тажриба-тадқиқи асосида испан маданиятида билвосита нутқий актлардан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар қаторини ажратиш ва уларнинг этнопрагматик моҳиятини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида испан мулоқот матнида, хусусан, бадий асарларда акс этган ҳамда сўровнома шаклида олинган жавобларда воқеланган билвосита директив нутқий актлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни билвосита нутқий актларнинг испан тили дискурсида фаоллашув шарт-шароитларини ёритиш ҳамда уларнинг танланишини таъминловчи этнопрагматик омилларни аниқлаш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, дискурсив, социолингвистик ва нутқий фаолиятнинг интенционал таҳлили методларига мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

билвосита нутқий актларнинг воқеланишида кўзланган коммуникатив мақсад ва мулоқот самарадорлигига эришиш тамойиллари аниқланган;

турли мулоқот вазиятларида интенциянинг тағмаъноли ифодаланиши сабаблари тил тизимига хос лексик-грамматик кўрсаткичлар билан бир қаторда, идиоэтниқ мақомга эга нолисоний омиллар билан боғлиқлиги далилланган;

ҳаракатга ундаш фаолиятининг испан тили соҳибларига хос бўлган миллий-маданий ва мулоқотчанлик хусусиятлари очиб берилган;

испан тили соҳиблари орасида энг оммалашган ҳаракатга ундаш шакллари сифатида нутқий мулоқот одобига мос келадиган конвенционал билвосита нутқий актлар намоён бўлиши исботланган;

коммуникатив мақсаднинг бевосита ёки билвосита ифодаланишига таъсир этувчи этнопрагматик омил сифатида намоён бўладиган мулоқот муҳитини унинг иштирокчиларининг ижтимоий иерархик поғоналарда тутган ўрнига нисбатан ижтимоий муносабатлар гуруҳларига ажратиб таҳлил этиш усуллари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Билвосита нутқий актларнинг испан мулоқот матнида воқеланишига таъсир этувчи этносоциопрагматик омилларни, хусусан, нутқ субъектларининг ёши, ижтимоий мақоми, маълумоти кабилар билан боғлиқ ҳолдаги устувор хусусиятлари аниқланиб, олинган хулосалар мулоқот муҳитини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

ҳаракатга ундаш фаолиятининг испан тили соҳибларига хос бўлган миллий-маданий хусусиятлари социолингвистик тадқиқ жараёнида

ўтказилган сўровнома орқали олинган жавоблар таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратилишига кўл келиши асосланган;

дискурсив фаолият жараёнида нутқий актлар турларининг танлови ижобий ёки салбий стратегияси ҳамда хурмат категорияси тамойилларига тобе ҳолда амалга оширилиши ҳақидаги маълумотлар испан тили таълимини оптималлаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, мулоқот вазиятида юқори даражадаги коммуникатив натижага эришиш мақсадида нутқий таъсирнинг испан тилида ҳаракатга ундашни воқелантирувчи лисоний шакллар бўйича энг муқобил йўллари танлаш тамойиллари ҳамда прагма-когнитив механизмлари мажмуасини дискурс назарияси, нутқий акт, мулоқот интенцияси бўйича келинган хулосалар прагмалингвистика ва лингвокультурология фанларини янги назарий маълумотлар билан тўлдиришда фойдаланиш мумкин. Мазкур лисоний воситаларнинг танланишига таъсир этувчи прагматик, ижтимоий ва миллий-маданий омиллар тадқиқи мулоқот жараёнида этносоциопрагматик ва лисоний-маданий омилларни меъёрлаштиришга хизмат қилади.

Диссертация ишининг амалий натижалари тилшуносликнинг назарий курслари, коммуникатив тилшунослик, маданиятлараро мулоқот соҳалари бўйича ўқув адабиётлари яратиш, шунингдек, испан тилини таълим тизимининг қуйи ва юқори босқичларида ўргатишда амалиётга татбиқ этишга тавсия этишга мўлжалланган лингводидактик кўрсатмаларни шакллантириш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Билвосита нутқий актларни дискурста фаоллаштирувчи этнопрагматик омилларни аниқлаш асосида:

билвосита нутқий тузилмаларда локутив кучнинг намоён бўлишида мулоқот матнининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, семантика ва прагматика муносабатини интенционал таҳлил асосида кўрсатиб бериш, прагмалингвистиканинг концептуал тамойиллар ва тадқиқот методлари татбиқи бўйича олинган хулосалар ОТ–Ф8–062 рақамли “Тил таракқиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26-сентябрдаги 89-04-1856-сон маълумотномаси). Ушбу фундаментал лойиҳа доирасида нутқий тузилманинг шаклланишига миллий-маданий нуктаи назардан қараш, семантик, прагматик жиҳатдан матн деривацияси муаммоларини тадқиқ этиш усулларини янада бойитиш учун хизмат қилган;

билвосита нутқий актларни дискурсада воқелантирувчи этнопрагматик омиллар таҳлили, испан тилида директив интенцияни ифодалашда иштирок этувчи лисоний шаклларнинг ҳаракатга ундашни ифодалаш воситаси сифатида қўлланилиши, мулоқот мақсадининг ифодаланишига нутқ субъектларининг миллий-маданий хусусиятлари таъсири борасида олинган натижалардан И-204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26-сентябрдаги 89-04-1856-сон маълумотномаси). Натижада, этнопрагматик омилларнинг нутқий стратегияга таъсирини аниқлаш йўллари “Назарий грамматика ва фонетика”, “Қиёсий тилшунослик”, “Лингвистик таҳлил методлари” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилган;

билвосита нутқий актларни дискурсада воқелантириш шаклларига таъсир этувчи этнопрагматик омиллар, ҳаракатга ундашни бевосита ва билвосита ифодалашга хизмат қилувчи воситаларнинг мулоқот мақсадининг воқеланишига таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари бўйича хулосалар “5120100-Филология ва тилларни ўқитиш”, “5111400-Хорижий тил ва адабиёти”, “5120200-Таржима назарияси ва амалиёти” бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда “5А120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” магистратура мутахассисликларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 89-04-1856-сон маълумотномаси). Натижада “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Қиёсий таржимашунослик”, “Стилистика ва матн таҳлили”, “Лингвистик таҳлил методлари” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга асос бўлган. Натижалар татбиқи мазкур фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлиги, талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

билвосита нутқий актларнинг воқеланишида кўзланган коммуникатив мақсад ва перлокутив самарага эришиш тамойиллари бўйича олинган хулосалар асосида Самарқанд вилоят телерадиокомпаниялари “STV” ва “STR” телерадиоканаларининг ўқув-маърифий ҳамда илмий оммабоп эшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси “STV” телерадиоканалининг 2019 йил 14 август даги ST/2-1-119-сон ва Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси “STR” телерадиоканалининг 2019 йил 11 октябрдаги 09-02/277-сон маълумотномаси). Натижалар тингловчиларда тағмаъноли мулоқот самарасини оширишга ва эшиттиришлар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

коммуникатив мақсаднинг бевосита ёки билвосита ифодаланишига таъсир этувчи этнопрагматик омил сифатида намоён бўладиган мулоқот муҳитини уч турдаги ижтимоий муносабатлар гуруҳларига ажратиб таҳлил этиш усуллари натижаларидан Испаниянинг Кастилия Ла Манча

Университетида таҳсил олаётган талабаларни нутқий мулоқот ҳаракатига ундаш стратегиясини аниқлаш мақсадида фойдаланилган (Кастилия Ла Манча Университети халқаро алоқалар ва узлуксиз таълим Департаментининг 2019 йил 3 октябрдаги маълумотномаси). Натижада коммуникатив стратегияни белгилаш кўникмаларини шакллантириш ҳаракати жадаллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 147 бет босма матнни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Прагматингвистикада билвосита нутқий актлар муаммоси**” деб номланган биринчи бобида нутқий актлар назариясининг шаклланиш тарихига назар ташланиб, уларнинг структур ва коммуникатив хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, билвоситалик тушунчасининг тавсифи берилиб, унинг нутқий актлар назариясига татбиқ этиш шартлари белгиланган.

Нутқий актлар назариясининг таълимот сифатида шаклланиши ўтган асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. XX асрнинг 60-70-йилларида Оксфорд мактаби намояндалари тилнинг кундалик турмушда одатдаги қўлланилишини ўргана бошладилар. Ушбу олимларнинг фикрича, табиий тилнинг асосий вазифаси – шахслараро мулоқотни йўлга қўйиш ҳисобланади. Шундай қилиб, тилшунослик соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларда инсон ва унинг коммуникатив мақсади, мулоқот самарадорлигини таъминловчи муҳит шартлари асосий мўлжал сифатида гавдаланди.

Бу таълимотнинг аҳамиятли йўналишларидан бири нутқий актлар назарияси бўлиб, унинг асосини нутқнинг тилдан устунлиги тамойили

ташқил этади. Нутқий актлар назариясининг асосчиси сифатида тан олинган Ж.Остин ва унинг издошларининг бу борадаги хизматлари шундан иборатки, улар мулоқот жараёнини кўпчилик учун русм бўлиб қолган символларнинг аниқ бир фонетик, семантик ва синтактик қоидалар асосида бирикиши ва воқеликда кечаётган ҳаракатлар ифодаси сифатида эмас, балки сўзловчининг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг маълум бир ният ва мақсади ифодаланган, шахснинг лисоний қобилияти махсулоти сифатида қараб чиқишни таклиф этдилар<sup>7</sup>.

Лисоний бирликлар орқали маълум бир интенция ифодаланади ва ушбу интенциянинг воқеланиши иллокутив актни юзага келтиради. Одатда, иллокутив акт локутив актни амалга ошириш билан бир пайтда бажарилади. Сўзлашув жараёнида инсон яна бир қандайдир нолисоний мақсадга эга фаолиятни амалга оширади: сўрайди, жавоб беради, илтимос қилади, буйруқ беради, огоҳлантиради ва ҳоказо. Иллокутив акт аниқ кучга эга бўлиб, нафақат ифодаланган пропозиция маъносига, балки ушбу нутқий тузилманинг коммуникатив мақсадига ҳам ишорани таъминлайди<sup>8</sup>.

Сўзлашиш орқали инсон аниқ натижаларга эришади. Ушбу мақсадга эришиш учун адресантнинг нутқи адресатга таъсир эта олиши керак. Сухбатдошнинг кейинги фикри, унинг ҳис туйғулари, кайфияти, хоҳиши ва ҳаракатига таъсир перлокутив акт ҳисобланади.

Нутқий актлар тушунчасининг моҳияти тўғрисидаги қарашларнинг турли-туманлиги таклиф қилинган тасниф тамойилларида ҳам ўз аксини топмай қўймаган. Бугунги кунга қадар турли муаллифлар таклиф қилган нутқий актлар гуруҳларининг нафақат сони, балки уларнинг номланиши ва қайси жиҳатларига таяниб тавсифланиши ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ж. Сёрль таксономиясига асосланиб қурилган таснифларда сўроқ ёки квестив, эротетив, вокатив (мурожаат, ундалма, чакирув) актлари, шунингдек, йирик гуруҳларни бўлиш орқали ҳосил қилинган кичик гуруҳлар эслатилади. Шу билан биргаликда, конвенционал актларни ҳам ажратиш мумкин бўлади: эффе́ктивлар, вердиктивлар, институционал, ноинституционал актлар<sup>9</sup>.

В.И. Карасикнинг тавсифида асосий эътибор ҳамсухбатларнинг мақомига қаратилган. У нутқий актларни икки гуруҳга ажратади: белгиланган мақомли ва бетараф-статусли. Биринчи синфга инъюктивлар (буйруқлар, талаблар), реквестивлар (илтимос, илтижо), инструктивлар (фармойиш, тақик) кирадиган бўлса, иккинчи синфни констативлар (тасдиқ), нарративлар (нақл, ҳикоя), дескриптивлар (тасвирлаш) ташқил этади<sup>10</sup>.

Маълумки, ҳар қандай тасниф аниқ методологик пойдеворга таяниши лозим. Бизнинг назаримизда, нутқий актлар таснифида иллокутив мезон асосий эътиборни талаб этади, аммо бошқа мезонлар борлигини ҳам рад этмаймиз. Шу сабабли, тадқиқот ишимизни иллокутив интенцияга қаратилган таснифга асосланиб олиб боришни лозим топдик, чунки ушбу

<sup>7</sup>Austin J.L. *Cómo hacer cosas con palabras*. – Barcelona:Edición Paidós Ibérica S.A, 2004. – 220 p.

<sup>8</sup>Сусов И.П. *Лингвистическая прагматика*. – Винница: Нова Књыга, 2009.– 272 с.

<sup>9</sup>Богданов В. В. *Речевое общение. Прагматические и семантические аспекты*. – Л.: ЛГУ, 1990. – 88 с.

<sup>10</sup>Карасик В.И. *Язык социального статуса*. –М.: Гнозис, 2002. – 333с.

Ўринда нутқий актларни гуруҳларга ажратишда нутқий тузилмалар эксплицит ёки имплицит воқелантирилиши мумкинлиги инобатга олинади ва асосий урғу пропозицион маънога эмас, балки иллокутив интенцияга қаратилади.

Нутқий актлар назариясида бевосита нутқий актларга қарама-қарши қилиб қўйилган билвосита нутқий актлар марказий муаммолардан бири саналади. Прагмалингвистикага оид адабиётларда ушбу турдаги нутқий актлар табиати ва тавсифи, нутқий тузилма билвосита маъносининг воқеланиши механизмига оид турлича қарашлар баён этилган (К.И. Калинин, Дж. Лич, Д. Вандервекен, Г.Г. Почепцов ва бошқ.). Бу соҳада кўплаб изланишлар олиб борилганига қарамасдан, баъзи саволлар ҳозирги кунга қадар мунозаралидир. Айниқса, билвосита нутқий актларнинг мулоқот матнида воқеланишига этнопрагматик омилларнинг таъсири хусусида маҳсул тадқиқотлар олиб борилмаган, ҳисоб.

Тилда маъно ифодаланишининг энг оддий усулларида бири сўзловчи ўз нутқида акс этган лисоний белгиларнинг зоҳирий маъносини назарда тутиши ҳисобланади. Ушбу вазиятда қуйидаги муносабатлар юзага келишини кузатишимиз мумкин: сўзловчи тингловчига маълум бир иллокутив таъсир кўрсатишни кўзлайди ва буни сўзловчига ошқора билдириши мумкин. Бироқ бундай семантик оддийлик барча нутқий тузилмаларга ҳам хос бўлавермайди. Киноя, луқмалар, метафора кабиларда сўзловчи талаффуз этган нутқий бирликнинг семантик шакли унинг прагматик маъносига мос тушмайди. Бу каби номутаносибликларнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги сўзловчи нутқий тузилмада ҳам ботиний, ҳам зоҳирий маъноларни назарда тутати олишида намоён бўлади ва бу ниятларни тингловчи нутқий тузилмаларнинг вужудга келишига замин яратадиган қоидаларни билиши асосида тушунишга ҳаракат қилади:

*Oye, quiero que me llames de tú como en otro tiempo*<sup>11</sup>.

Ушбу нутқий тузилмада сўзловчи тасдиқ нутқий ҳаракатини амалга ошираётгандай туюлса ҳам, аслида унинг воситасида илтимос акти воқеланган, яъни тасдиқ нутқий актини талаффуз этиш орқали илтимос иллокутив интенцияси ифодаланган.

Тил ҳақидаги таълимотда билвоситалик бир тил белгиси ёрдамида бошқа белги маъносини ифодалаш усули сифатида қаралади. Шу нуқтаи назардан, бир иллокутив акт бошқа бир иллокутив акт воситасида амалга оширилиши анъанавий тарзда билвосита нутқий тузилма, деб тан олинган<sup>12</sup>. Сўзловчининг асл мулоқот мақсади бу турдаги нутқий актда имплицит (яширин) ифодаланган. Қиёсланг:

А: *Creo que literatura es muy interesante, pero este profesor...*

Б: *Sí, el es como dormitivo*<sup>13</sup>.

<sup>11</sup>Mota G.J. La carta de despedida: juguete cómico en un acto y en prosa.– Sevilla: TipografiadeE. Bergali, 2016. – P. 113.

<sup>12</sup>Падучева Е. В. Высказывание и его соотносённость с действительностью: Референциальные аспекты семантики местоимений. – Изд. 6-е, испр. – М.: ЛКИ, 2010. –С. 87.

<sup>13</sup>Nieves A.B. El Crimen de la Ñ. –Madrid: Universidad de Alcalá, 2006. –P. 77.

Билвосита нутқий актларда пропозиционал маъно эмас, балки иллокуция яширин ифодаланиши кузатилади. Шу билан биргаликда, нутқий актнинг пропозиционал мазмунини ифодаловчи ташқи структураси нутқий тузилмани тўғри тушунишда белгиловчи нуқта сифатида намоён бўлади. Акс ҳолда, тингловчи нутқий тузилманинг асл маъносидан тўғри хулосага кела олишининг иложи бўлмас эди. Бу турдаги нутқий актларнинг ташқи структурасида унинг асл мулоқот интенциясини кўрсатиб турувчи белгилар мавжуд бўлмайди.

Баъзи ҳолларда билвоситалик тушунчаси билдирилган фикрнинг пропозициясига ҳам, иллокуциясига нисбатан ҳам қўлланилади. Пропозициянинг билвоситалигига мисол қилиб қўйидаги жумлани келтиришни жоиз топдик:

- ¡Vaya, qué guapa te has puesto!

- Si, es que la semana pasada vino un señor de Sevilla que está un queso<sup>14</sup>.

Шунингдек, қўйидаги нутқий тузилмада ҳам ундаш мақсади тасдиқ иллокутив вазифаси орқали амалга оширилган:

*Si llegas a casa tarde, su madre estará enfadada*<sup>15</sup>.

Сўзловчи реципиентга агар уйга кеч қайтса, онаси ундан ранжиши тўғрисида хабар бермоқда. Аммо ушбу нутқий актнинг бирламчи мазмуни хабар бўлса-да, лекин мулоқотнинг иллокутив интенцияси ахборот етказишдан эмас, балки тингловчини ҳаракатга ундаш, яъни уни эртарок уйга қайтишга ундаш мақсадидан иборат.

Полиинтенционал билвосита нутқий актларнинг бир неча турлари мавжуд:

1. Моделлаштирилганнутқий актларда фаол нутқий актлар хусусиятлари тўлиғича акс этган:

*¿Por qué no trata V. de convencer á D. Simplicio, á que deje esa dieta que se ha impuesto?*<sup>16</sup>

Ушбу мисолда фаол нутқий актнинг прагматик шакли мавжуд, чунки илтимос иборалари кўпинча шу қолипда ясалади.

2. Иккинчи гуруҳдагилари таркибида туб прагматик шакл билан биргаликда фаол прагматик шакл ҳам намоён бўлади, прагматик мазмун эса фақат фаол нутқий тузилмада акс этади:

*¿Puedo decirle que estas equivocado (no estas de acuerdo)?*<sup>17</sup>

Ушбу мисолда ҳақиқатни тасдиқлаш эксплицит ифодаланган перформатив иштирокида сўроқ шаклидаги нутқий тузилма орқали берилган. Демак, нутқий тузилма директив эмас, балки ассертив нутқий актлар синфига мансуб.

Шундай қилиб, нутқий тузилманинг мулоқот интенцияси нутқий вазият, коммуникатив муҳитга, нутқ субъектларининг хусусиятларига асосланиб аниқланади. Сухбатдош презумпцияси (хулосаси)нинг оқиллиги ва бу

<sup>14</sup>Nieves A.B. El Crimen de la Ñ. –Madrid: Universidad de Alcalá, 2006. – P. 95.

<sup>15</sup>Clarín L.A. El señor y los demás son cuentos. – Madrid: Espasa, 1997. – P. 156.

<sup>16</sup>Licenciado V.El tutor y la pupila: juguetecómico-lírico en un acto y en prosa.– Sevilla:F.Alvarez, 2019. – P. 135.

<sup>17</sup>Galdós B. Doña Perfecta.– Teddington: Echo Library, 2006. – P. 124.

коидаларни билиш, яъни суҳбатдошнинг ҳамкорлик тамойилидан чекинишига асос йўқлигига ишониш бизга коммуникатив имплицатураларни шакллантириш ва тўғри фаҳмлаш имкониятини беради.

Маълумки, имплицатура фақатгина қўйидаги ҳолларда қўлланилишга ҳақли: 1) сўзловчи мулоқотда ҳамкорлик тамойилига амал қилганида; 2) сўзловчи томонидан яратилган имплицат мавзуга оидлик тамойилига асосланганида; 3) сўзловчи тингловчининг айтилган фикрни тўғри фаҳмлай олиш қобилиятига ишонган тарзда мулоҳаза билдирганида.

Мисол тариқасида қуйидаги диалогни келтириш мумкин:

*A. Abuela: Me parece que Juan esta enfermo y no puede ir al colegio.*

*B. Madre: ¿Crees? ¿No ves que el canta y baila durante todo el dia con sus amigos?*<sup>18</sup>

Агар “А”нинг “Б” ҳамкорлик тамойилини бузишига шубҳа қилишга асоси бўлмаса ҳамда билдирилган фикрни “Б” тўғри идрок эта олишига ишонса, унда бу имплицатнинг ҳукми “Хуан соппа-соғ ва у мактабга бориши керак” тарзида намоён бўлади. “Б” нинг нутқий тузилмаси шаклан сўроқ бўлишига қарамасдан, бу ўринда унинг мақсади сўраш эмас, балки билдирган ҳукмни далиллаштиришдан иборат.

Шундай экан, билвосита нутқий актлар тингловчининг ҳис туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ҳаракатга ундашда хушмуомалалик принципига асосланиш орқали мулоқот самарадорлигини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Испан тили директив нутқий актлари кўламида мулоқот мақсадининг билвосита ифодаланиши”** деб номланган иккинчи бобида директив мазмуннинг бевосита ва билвосита ифодаланиш шартлари ёритилиб, мулоқот мақсадининг тагмаъноли воқеланишини таъминловчи лисоний воситалар гуруҳлари ажратилган.

Нутқий актлар назариясида фаолиятга ундаш ҳаракатини директив нутқий актлар сифатида қараш тан олинган бўлиб, испан тилида олиб борилган турли тадқиқотларда *exhortativos*, *directivos* атамаларидан фойдаланилади. Директив нутқий актлар ўз табиатида кўра тингловчининг образига таҳдид этувчи бўлганлиги сабабли, айрим ҳолларда сўзловчининг ҳаракат эркинлигини чеклаб қўйиши мумкин. Унинг иллокутив мақсади тингловчининг фаолиятига таъсир ўтказиш бўлиб, сўзловчи талаффуз этган пропозицион мазмунда акс этган лисоний фаолиятнинг воқеланишига эришишдир. Директив нутқий актлар таркибидаги, бир томондан, илтимос ва буйруқларни, иккинчи томондан, маслаҳат ва таклифларни бир-биридан фарқлаш анча мушкул кечади<sup>19</sup>

Илтимос ва буйруқ нутқий актларида ҳаракатни бажариш тингловчига боғлиқ бўлиб, сўзловчи фойдасига қаратилган фаолиятга олиб келади ва билвосита ифодаланиш воситасида тингловчига ижобий таъсир кўрсатишга уринилади. Маслаҳат ва таклифларда кўрслик, мажбурийлик кузатилмайди ва пропозицион мазмундан келиб чиқувчи фаолият, авваламбор, тингловчи

<sup>18</sup>Galdós B. Un faccioso más y algunos frailes menos. – Barcelona: Linkgua digital, 2016. – P. 156.

<sup>19</sup>Haverkate H. La cortesía verbal. Estudio pragmatolingüístico. – Madrid: Gredos, 1994. – P. 205.

фойдасига қаратилган бўлади. Эмитентнинг фойдасини кўзлаган нутқий актлар, реципиентнинг фаолият эркинлиги чеклаганлиги боис, образга таҳдид этувчи актлар саналади.

Тадқиқотчилар томонидан директив нутқий актларнинг учта асосий гуруҳи ажратилади: 1) прескрептив (адресатнинг ҳаракатини белгиловчи); 2) реквестив (адресатнинг фойдасини кўзловчи ҳаракатга ундовчи); 3) суггестив (маслаҳатни ифодаловчи).

Прескриптив нутқий актлар бажарилиши кўзланган ҳаракатнинг мажбурийлиги ва сўзловчининг мулоқот ҳолатидаги устуворлиги билан белгиланади. Тингловчи тобе ўриндаги коммуникант сифатида ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукуқига эга бўлмайди. Масалан *ижозат* мазмуни ифодаланганда, сўзловчи адресат амалга оширишини хоҳлаган ҳаракатни эълон қилади:

- ¿*Me mandó usted llamar?*

- *Siéntate, no te quedas ahí parado*<sup>20</sup>.

Бошлиқнинг ҳаракатга ундаш репликасининг иккинчи қисми (*no te quedas ahí parado*) унинг буйруқ беришга одатланганлигига ишора қилади, шунингдек, лейтенантнинг бесўнақайлигидан норозилигини ифодалайди. Ходим расмий вазиятда нейтрал ҳисобланган *usted* шаклини ишлатган бир пайтда, бошлиқ унга *tú* воситасида мурожаат этаётгани диққатни жалб қилади.

*Кўрсатма* берилиши эса сўзловчининг аниқ бир соҳада билимларга эга бўлганлиги ортидан унинг ўрни мулоқот доирасида устунлиги билан белгиланади. Бошлиқ – котибага (телефон орқали):

- *Salúdela en mi nombre y dígale que en cuanto termine aquí tendré el mayor gusto en atenderla*<sup>21</sup>.

**Реквестив директив нутқий актлар** ҳаракатнинг бажарилиши мажбурий эмаслиги билан тавсифланади ва нутқ субъектларининг ҳар бири учун фойдали ҳисобланади. Ҳаракатнинг бажарувчиси адресат бўлиб, унинг ўзи ҳаракатни бажариш/бажармаслик тўғрисида қарор чиқаради.

*Илтимос* реквестивларнинг асосий тури бўлиб, директив нутқий актлар доирасида энг кўп билвосита воқелантирилади. Масалан, қуйидаги мисолда набира бувисидан пул беришини илтимос қилмоқчи бўлади ва тўғридан-тўғри сўрашга ботинолмай, ҳаракатга ундашнинг билвосита усулидан фойдаланишни афзал кўради:

*Agustinillo. Escucha, abuela. Sólo nos faltan dos perrillas pa...*

*Abuela. Reúne, reúne pa la camisa de tu padre, que pueda presentarse ante el capitoste ese. ¡Y déjate de petardos!*<sup>22</sup>

Илтимоснинг нозиклиги ёки уни бажариш қийинроқ бўлган вазиятларда ҳам мулоқот интенцияси имлицит равишда воқелантирилиши мумкин.

*Илтижо* мазмунидаги нутқий акт талаб қилинган ҳаракатнинг адресат бажаришни хоҳламаслик пресупозицияси билан ёки сўзловчини турли хил

<sup>20</sup>Vázquez P.R. La venganza del muerto. – La Habana: Editorial Letras Cubanas, 1983. – P. 117.

<sup>21</sup>Sampedro J. L. El río que nos lleva.– Madrid: Alfaguara, 1982. – P. 32.

<sup>22</sup><https://anabolicsteroids.me/lauro-olmo-la-camisa-25/>

ўтиниш воситаларидан фойдаланишга мажбур этувчи сабабларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Терговчи маҳбуснинг опаси, ёши катта аёлга:

*Aunque es penoso para nosotros hacerle una visita estando usted tan compungida, le ruego nos ayude*<sup>23</sup>.

**Суггестив директив нутқий актлар** сабаб бўлаётган ҳаракат сўзловчи нуқтаи назарида адресат учун фойдали ҳисобланади, аммо унинг бажарилиши мажбурий эмас. Суггестивлар қаторига маслаҳат, огоҳлантириш кабилар киради.

Қуйидаги мисолда *oma*, халқнинг доно ўғитларидан фойдаланиб, ўғлига маслаҳат бермоқда:

Campesino. *Un consejo, hijo: “Haz siempre que te hablen a derechas y así entenderás a pie llana. Estas algarabías de allende déjalas para los que son leídos y escritos”*<sup>24</sup>

*Огоҳлантириши* ҳаракатга билвосита ундаш бўлиб, унинг пропозицион мазмунида қандайдир бир ҳаракат тингловчи учун ножўя оқибатга олиб келиши кўрсатилади. Улар кўпинча таҳдид характериға эға бўлиши мумкин:

- *Si nomeda usted mi maleta, la denuncio a usted en la comisaría.*

*Bueno, y si me denuncia usted en la comisaría yo, donde le vea, le saco los ojos*<sup>25</sup>

Бу ерда огоҳлантириш шарт майли орқали таҳдид нутқий акти сифатида намоён бўлган.

Директив нутқий актларнинг коммуникатив аспектини тавсифлаш учун уларнинг амалға оширилиш стратегияси нуқтаи назаридан таснифлаш мақсадға мувофиқ, чунки бевосита ёки билвосита усулларнинг танланиши мулоқот вазиятининг прагматик шартлари билан узвий боғланган.

Ҳаракатға ундаш усуллари, бошқа тилларда бўлгани каби, испан тилида ҳам турли тумандир. Директив нутқий актлар испан тилида феъл майллари, инфинитив ва герундийли тузилмалар, феълнинг ортгирма ва биргалик нисбатлари орқали ифода топиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, испан тилида буйруқ майли бироз камроқ ишлатилади ва кўп ҳолларда у билвосита ифодаланиш усуллариға алмаштирилади.

Имплицит ифодаланишнинг лисоний воситалари қаторига, авваламбор, хоҳиш-истак майлини (субхунтив) киритиш лозим бўлади. Субхунтивлар кўпроқ эргаш гапларда қўлланилади ва бу ҳол асосий гапда феъл-кесимнинг модал маъносида ишлатилиши билан боғланган бўлади.

Агар асосий гапнинг кесими хоҳиш, ҳиссиёт ва фикрни ифодаласа, хоҳиш-истак майли тўлдирувчи эргаш гапларда ишлатилади. Хоҳиш-истакни ифодалаш хусусиятиға эға бўлган феъллар *aconsejar, desear, exigir, impedir, mandar, ordenar, pedir, permitir, prohibir, querer, recomendar, rogar, solicitar, suplicar* вабошқалардир. Қиёсланг:

<sup>23</sup>Vázquez P.R. La venganza del muerto. – La Habana: Editorial Letras Cubanas, 1983. – P. 60.

<sup>24</sup><https://anabolicsteroids.me/lauro-olmo-la-camisa-25/>

<sup>25</sup>Cela C. J. Novelas cortas y cuentos. – Moscú: Ráduga, 2001. – P. 159.

Mira, no quiero que *vayas* al baile. Te he dicho que *vayas* al baile. -... Así pues, espero que *me ahorres* una acusación directa y, en ausencia de Epsamón Divino, *te limites* a transmitirme cualquier queja que tengas<sup>26</sup>.

Шарт майли испан тилида ҳаракатга ундашни билвосита ифодалашга хизмат қилувчи яна бир восита ҳисобланади:

- Venga... ¿no has bebido demasiado? *Deberías* tomar café<sup>27</sup>. - 2-шаҳс бирликка;

Хабар майли ҳам, одатда, ҳаракатга ундашни билвосита ифодалашга хизмат қилади. Ушбу вазиятда ҳаракатга ундаш табиати эмфатик деб талқин этилади:

- ¡Ahora mismo *vienes* y *haces* los deberes! ¡*Te acuestas* inmediatamente! ¡*No sales* a ninguna parte!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, императив ва индикатив шакллар рўба-рўй келадиган семантик соҳа – бу, авваламбор, келаси замон соҳасидир<sup>28</sup>. Хабар майлининг келаси замондаги шакли сўзсиз бажарилиши керак бўлган ҳаракатларни, яъни буйруқни ифодалаш учун ишлатилади:

- Ya partir de esta noche *montarás* guardia a la puerta de mis estancias<sup>29</sup>. Прескриптив директивларни ифодалашда анча кенг тарқалган восита – инфинитивли гаплар бўлиб, испан тилида у буйруқ гаплар билан қарийб бир хил кучга эга ва улардан анча кенгрок мазмундаги мулоқот матнларида фойдаланилади:

Эр-аёлига: *Basta, Eugenia. A descansar. Barrendera*; ҳамкасбига: ¡*Vamos*, a cogernos! La Divina; — дугоналарга: *Esperar un momento*<sup>30</sup>.

Директив нутқий актларни таҳлил қилиш жараёнида мулоқот муҳити аҳамиятли ўрин эгаллагани каби, ундаш вазияти ва шунга мос равишда нутқ субъектларининг этнопрагматик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунингдек, ҳаракатга ундашни воқелантириш учун яна бир муҳим жиҳат – нутқий тузилмада ифодаланган ҳаракатнинг бажарилиши/бажарилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга жавобгар шахснинг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Билвосита нутқий актларда ушбу ҳуқуқ аксарият ҳолларда тингловчи зиммасига юкланган бўлади.

Диссертациянинг **“Испан мулоқот маданиятида билвосита нутқий актларни фаоллаштирувчи этнопрагматик омиллар”** деб номланган учинчи бобида тил соҳиблари иштирокида ўтказилган социолингвистик тадқиқот натижалари таҳлили асосида нолисоний этнопрагматик омилларнинг билвосита нутқий актларнинг турли коммуникатив вазиятларда воқеланишидаги роли ўрганилган.

Мулоқот фаолияти универсал тамойиллар асосида кечиши билан бир қаторда, ижтимоий омиллар, миллий-маданий қадриятлар доирасида

<sup>26</sup><http://sibila.com.br/novos-e-criticos/mundo-macho-epopeya-sadiana-kitsch/2268>

<sup>27</sup>Marsé J. La oscura historia de la prima Montse. – Barcelona: Plaza & Janés Editores, 1970. – P. 114 p.

<sup>28</sup>Escandell V., María V. Aportaciones de la pragmática. En: Sánchez L.J., Santos G. I. (eds.), Vademécum para la formación de profesores. Enseñar español como segunda lengua (L2)/lengua extranjera (LE). – Madrid: SGEL, 2004. – P. 24.

<sup>29</sup><http://sibila.com.br/novos-e-criticos/mundo-macho-epopeya-sadiana-kitsch/2268>

<sup>30</sup><https://crystalmaning.blogspot.com/2017/09/las-salvajes-en-puente-san-gil-las.html>

шаклланадиган меъёрий қоидалар назоратида бўлади. Ушбу қоидаларнинг фаоллашув миқёсини белгилаш ва уларнинг бажариладиган лисоний-тафаккур ҳаракатлари жараёнида вариантлашуви ҳолатларининг ўрганилиши назарий ва амалий аҳамиятга эга<sup>31</sup>. Мазкур жиҳатларни тадқиқ этишда ўрганилаётган тил соҳибларининг иштироқи асосида сўровнома тарзида ўзига хос социолингвистик тадқиқот олиб борилди.

Биз олиб борган тажриба-синовда Испаниянинг Гранада Университетида таҳсил олувчи ёки фаолият олиб боровчи 100 нафар испан тили соҳиблари иштирок этишди. Уларнинг ёши 18 дан 70 ёшгача бўлиб, 33 таси аёл, 67 таси эркак жинсига мансубдир. Тайёрланган сўровномалар электрон почта орқали тарқатилди.

Сўровнома саккизта мулоқот вазиятларидан ташкил топган бўлиб, адресант ва адресатнинг бир бирига нисбатан мулоқот шароитидаги ўрнига қараб, уч гуруҳга бўлинган.

1. Биринчи гуруҳдаги вазиятларда сўзловчи ва тингловчи ўртасида муносабатлар симметрик тарзда йўлга қўйилган. Мулоқот курсдошлар, дўстлар ва нотанишлар орасида олиб борилганда директив интенция қандай шаклда воқелантирилишини белгилаш керак бўлади.

2. Иккинчи гуруҳдаги вазиятларда эса сўзловчи ва тингловчи орасида ассиметрик муносабатлар акс эттирилган ва илтимос нутқий акти мулоқот доирасида адресант адресатга нисбатан устунроқ бўлган ҳоллар акс эттирилган.

3. Учинчи гуруҳдаги вазиятлар ҳам ассиметрик муносабатлар асосида йўлга қўйилган, аммо ушбу ҳолда адресатнинг мулоқот доирасидаги ўрни эмитентга нисбатан юқорироқ ҳисобланади. Ушбу вазиятларда сўзловчи интенцияни воқелантиришда ўта эҳтиёткор бўлиши талаб этилади.

